
2023 ЙИЛГИ ФУТБОЛ МАВСУМИ: ВИЛОЯТИМИЗНИНГ 5 ТА ЖАМОАСИ ЖОРИЙ МАВСУМДА ПРОФЕССИОНАЛ ЛИГАЛАРДА БЕЛЛАШАДИЛАР

Янги 2023 йилги футбол мавсуми Фарғона вилояти футбол ишқибозлари учун янада ёрқин воқеъликларга бой бўлиши кутилмоқда. Жорий мавсумда вилоятимизнинг 5 та жамоаси жорий мавсумда профессионал лигаларда беллашадилар.

Уч йиллик танаффусдан сўнг ўтган йили Суперлигада муносиб иштирок этиб, бу йилдан янги ғалабаларни кўзлаётган Фарғонанинг “Нефтчи” жамоаси билан бирга, Ўзбекистон туманининг “Турон” жамоаси футболчилари ҳам Про лига 2022 йилги мавсумидаги муваффақиятли натижалардан сўнг бу йил яна Coca Cola Суперлигасида тўп сурадилар.

2022 йилги муваффақиятсиз мавсумдан кейин Суперлигани тарк этган “Қўқон-1912” клуби эса Про лигада тўп суриб, кучлилар сафига қайтиш йўлланмаси учун курашади.

Биринчи лигада эса ўтган 2022 йилги мавсумда 11-ўринни эгаллаган Олтиариқнинг “Дўстлик” жамоаси билан бирга, 2022 йилда вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси биринчиликлари ғолиблари ўртасида биринчи лигага ўтиш турнири ғолиби бўлган Қувасойнинг “Цементчи” футболчилари иштирок этишади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-01-05 16:57:32